

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ДАВЛАТ СИЁСАТИ

Абдурахимова Фарида Юлдашевна

Педагогика фанлари номзоди, профессор faridaopa19...@gmail.com

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ва давлат сиёсати таҳлил қилинган. Асосий эътибор Конституция, миллий қонунлар ва давлат дастурларига қаратилган. Хотин-қизларнинг сиёсат, иқтисодиёт ва жамоат ҳаётидаги иштироки мисоллар асосида ёритилган. Мақолада гендер тенгликни таъминлашга қаратилган миллий ва халқаро механизмлар таҳлил қилинган ҳамда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш учун амалий тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: хотин-қизлар, ижтимоий фаоллик, гендер тенглиги, қонунчилик, давлат сиёсати

Аннотация: В статье анализируются правовые основы и государственная политика Узбекистана по обеспечению социальной активности женщин. Особое внимание уделяется Конституции, национальным законам и государственным программам. Приведены примеры участия женщин в политике, экономике и общественной жизни. Рассмотрены национальные и международные механизмы обеспечения гендерного равенства, а также предложены практические рекомендации по повышению социальной активности женщин.

Ключевые слова: женщины, социальная активность, гендерное равенство, законодательство, государственная политика.

Abstract: The article analyzes the legal foundations and state policy of Uzbekistan in ensuring women's social activity. Particular attention is given to the Constitution, national laws, and state programs. Examples of women's participation in politics, the economy, and public life are highlighted. The study examines national and international mechanisms for promoting gender equality and provides practical recommendations for enhancing women's social engagement.

Keywords: Women, social activity, gender equality, legislation, state policy.

КИРИШ

Хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини ошириш масаласи бугунги кунда Ўзбекистон давлат сиёсатида устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Глобаллашув ва демократик ислохотлар жараёнида жамият тараққиётини таъминлаш учун аёлларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда фаол иштирокини рағбатлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларидан буён хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган қатор қонунлар, давлат дастурлари ва ижтимоий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, гендер тенглигини таъминлаш, аёлларни давлат бошқаруви ва жамоатчилик ҳаётида фаол иштирок эттириш мақсадида қатор институционал тузилмалар ташкил этилди.

Мазкур мақолада ушбу сиёсатнинг ҳуқуқий асослари ва амалий натижалари илмий жиҳатдан таҳлил қилинади.

Асосий қисм

Ўзбекистонда хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини таъминлаш ҳуқуқий асослари Конституциянинг 46-моддасида мужассамланган бўлиб, унда аёллар ва эркакларга тенг ҳуқуқлар кафолатланган:

"Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар." Шу билан бирга, янги Конституцияда бу масала янада мустақамланиб, давлатнинг гендер тенгликни таъминлаш борасидаги аник мажбуриятлари ҳам белгиланди. Бугунги кунда гендер тенглик масаласи нафақат ижтимоий ва сиёсий муҳокамаларда, балки тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Ушбу масала жамиятда узоқ йиллар давомида тортишув ва мунозараларга сабаб бўлиб келган. Шунга қарамасдан, сўнгги йилларда мамлакат раҳбарияти томонидан бу борада қатъий қадамлар қўйилди. Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йил июнь ойида Сенат мажлисида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек: «...бугун ҳар бир аёл оддий кузатувчи эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлиши керак».

Сўнгги беш-олти йил ичида эса вазият сезиларли даражада ўзгарди. Хотин-қизлар жамиятнинг барча соҳаларида — сиёсатда, давлат бошқарувида, иқтисодиётда, илм-фанда, маданият ва санъатда фаол иштирок эта бошладилар. Бу ўзгаришлар, аввало, давлат сиёсати даражасида хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор қаратилгани, улар учун қонунчилик, иқтисодий ва институционал кафолатлар яратилгани билан боғлиқ.

Фактларга мурожаат қиладиган бўлсак, сўнгги йилларда гендер тенглик соҳасида йигирмадан ортиқ қонунчилик ҳужжати қабул қилинди. Жумладан, 2021 йилда Олий Мажлис Сенатининг қарори билан 2030 йилга қадар Ўзбекистонда гендер тенгликка эришиш стратегияси тасдиқланди. Шунингдек, Сенат ҳузурида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил этилди, Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссиянинг фаолияти йўлга қўйилди. Жумладан, 2024 йилда бўлиб ўтган Олий Мажлисга сайловларда аёллар улуши сезиларли даражада ошди. Сайлов кодексига мувофиқ, сиёсий партиялар депутатликка номзодларнинг камида 30 фоизи аёллардан иборат бўлиши шартлиги белгиланган эди. Мазкур қонунчилик кафолати амалиётда ўзини оқлади ва натижада парламент таркибида хотин-қизлар сони кўпайди. 2024 йилги сайлов натижаларига кўра, Қонунчилик палатасида хотин-қизлар улуши 35 фоизга яқинлашди. Бу кўрсаткич БМТ томонидан тавсия этилган 30 фоиздан юқори бўлиб, Ўзбекистоннинг гендер

тенглик соҳасидаги халқаро рейтингларда юқори ўринларга кўтарилишига замин яратди.

Шу билан бирга, маҳаллий кенгашларда ҳам аёл депутатлар улуши ортиб, хотин-қизларнинг ҳудудий даражадаги ижтимоий ва сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлашга кенг йўл очилди. Натижалар ҳам ўз ифодасини топмоқда: парламентда хотин-қизлар улуши 32 фоизга етиб, БМТ тавсияларига мос кўрсаткич қайд этилди ва Ўзбекистон дунёдаги 190 та парламент орасида 37-ўринни эгаллади. Бошқарув лавозимларида аёллар улуши 27 фоизга, сиёсий партияларда 44 фоизга, олий таълимда 40 фоизга, тадбиркорликда эса 35 фоизга етди.

Демак, Конституциянинг 46-моддаси аёллар ва эркалар учун ҳуқуқий тенгликни кафолатлаш билан бирга, уларнинг давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида фаол иштирокини таъминлайдиган асосий меъёрий замин вазифасини бажармоқда. Бу эса келгуси ислохотларнинг бардавомлиги ва бирор-бир хотин-қизнинг муаммоси эътибордан четда қолмаслигини таъминлайди.

Жумладан, 58-моддада оила институтининг муҳофазаси, оилани давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, аёллар ва эркалар учун фарзандларни тарбиялашда тенг ҳуқуқ ва мажбуриятлар кафолатланди. Бу меъёр нафақат оиланинг барқарорлиги, балки эрка ва аёлнинг оилавий ҳамда ижтимоий вазифалардаги тенг масъулиятини таъминлайди.

79-моддада эса, давлат органлари ва мансабдор шахслар аёллар ва эркалар учун тенг имкониятларни таъминлаши шартлиги алоҳида белгилаб қўйилди. Бу эса гендер тенглик масаласи энди декларатив меъёр эмас, балки давлат органлари зиммасига юклатилган қонуний мажбурият эканини англатади.

Айнан шу моддаларнинг киритилиши хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётида тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлишини кафолатлайди, шу билан бирга, гендер сиёсатининг бардавомлигини таъминлайди.

Демак, 46-моддада асосий принцип — аёллар ва эркаларнинг тенг ҳуқуқлилиги қайд этилган бўлса, янги таҳрирда қўшимча моддалар орқали ушбу тенгликни ҳаётда таъминлашнинг ижтимоий ва ҳуқуқий механизмлари ҳам мустаҳкамланди.

2019 йилда қабул қилинган “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонун ҳамда “Гендер тенгликни таъминлаш тўғрисида”ги Қонун бу йўналишдаги муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Ушбу қонунлар орқали давлат органлари ва жамият институтлари аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг турли соҳалардаги иштироки учун шарт-шароит яратиш мажбуриятини олдилар.

Ўзбекистонда хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини таъминлаш ҳуқуқий асослари Конституциянинг 46-моддасида мужассамланган бўлиб, унда аёллар ва эркекларга тенг ҳуқуқлар кафолатланган. Бу меъёр нафақат умумий ҳуқуқий кафолат сифатида, балки мамлакатда гендер сиёсатининг асосий конституциявий таянчи сифатида ҳам хизмат қилади. Мазкур қонунларнинг аҳамияти шундаки, улар фақат ҳуқуқий кафолатларни белгилаб қолмасдан, балки амалий механизмларни ҳам назарда тутди. Жумладан, давлат органларида хотин-қизларнинг тенг иштирокини таъминлаш учун гендер квоталари жорий этилган. Иш жойида камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик, иш ҳақида тенглик ва меҳнат ҳуқуқлари кафолатланган. Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳада аёллар учун тенг имкониятлар яратилиши қонун билан мустаҳкамланган. Шу боисдан, мазкур қонунлар амалга оширилаётган давлат дастурлари ва миллий стратегиялар учун асосий меъёрий база сифатида хизмат қилади. Улар хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштироки ва сиёсий жараёнлардаги мавқеини кучайтиришда муҳим ҳуқуқий замин яратиб бермоқда.

Мустақилликдан кейинги йилларда Президент фармон ва қарорлари асосида қатор давлат дастурлари амалга оширилди. Хусусан, 2020 йилда ташкил этилган Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича қўмита, Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила мустаҳкамлигини таъминлаш жамғармаси каби институтлар аёлларнинг ижтимоий фаоллигини рағбатлантиришда муҳим роль ўйнамоқда. Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг асосий принциплари қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат бўлиб, биринчидан, қонунийликдир. Барча муносабатлар амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида тартибга солинади. Бу эса давлат органлари, мансабдор шахслар ва жамият институтлари фаолиятининг қонуний кафолатлар доирасида амалга оширилишини таъминлайди.

Иккинчидан, демократизм, яъни хотин-қизлар ва эркеклар ҳуқуқ ва имкониятларининг тенглиги демократик давлат қурилишининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу принцип уларнинг давлат бошқаруви, сайлов ва ижтимоий жараёнларда тенг иштирокини назарда тутди. Хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилиги шундаки, ҳар икки жинс вакиллари сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда бир хил ҳуқуқ ва имкониятларга эгадир. Бу Конституция ва махсус қонунларда мустаҳкамланган асосий меъёрдир. Жинс бўйича камситишга йўл қўйилмаслиги. Ҳар қандай дискриминация ҳолатлари қонун билан тақиқланади. Бу принцип иш жойида, таълимда, жамоатчилик ҳаётида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик учун муҳимдир. Бола туғилиши муносабати билан она ҳам, ота ҳам ҳақ тўланадиган таътил олиш ҳуқуқига эга. Болани парваришлаш бўйича таътилнинг давомийлиги ота-онанинг ихтиёрига кўра улар ўртасида бўлиниши

мумкин, бунда ота-она таътилдан уни қисмларга бўлган ҳолда фойдаланиши мумкин. Агар шахс ўзини жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишга дучор этилган деб ҳисобласа, ваколатли органларга ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бунда жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишга дучор этилган шахсдан давлат божи ундирилмайди. Хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлашга оид давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнлари жамоатчилик назорати учун очиқ бўлиши шарт. Бу эса фуқароларнинг ишончини кучайтиради ва жамиятда гендер тенглик маданиятини шакллантиради. Амалиётда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши ҳам изчил ортиб бормоқда. Бу, аввало, миллий қонунчиликда белгиланган гендер тенглик принциплари ва давлат сиёсатининг самарали амалга оширилаётганидан далолат беради. Масалан, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришларга мувофиқ, сиёсий партиялар сайловда депутатликка номзодларнинг камида 30 фоизи хотин-қизлар бўлиши шарт. Ушбу меъёр аёлларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки учун ҳуқуқий кафолат яратиб, уларнинг парламент ва маҳаллий кенгашлардаги сонини йил сайин кўпайишига олиб келмоқда.

Ижтимоий жиҳатдан олиб қараганда, бу жараён аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, қарор қабул қилиш жараёнларига уларнинг фикри ва ташаббусларини жалб қилиш имконини бермоқда. Натижада, турли даражадаги давлат органларида аёллар иштирокида қабул қилинаётган қарорлар жамият манфаатларини кенгроқ акс эттирмоқда.

Иқтисодий соҳада ҳам аёлларнинг роли тобора кучайиб бормоқда. Хусусан, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат грантлари ва имтиёзли кредит дастурлари орқали минглаб хотин-қизлар ўз бизнесини йўлга қўймоқда. Бу эса нафақат янги иш ўринлари яратилиши, балки маҳаллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига ҳам хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллиги уларнинг шахсий мустақиллиги ва оила фаровонлиги учун муҳим омилга айланмоқда. Давлат сиёсатининг асосий мақсадларидан бири сифатида аёлларнинг иқтисодий салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш орқали жамиятда барқарор ривожланишни таъминлаш кўзда тутилган.

Конституциянинг 79-моддада эса давлат органлари ва мансабдор шахслар зиммасига аёллар ва эркаклар учун тенг имкониятларни таъминлаш мажбурияти юклатилган. Бу норма декларатив характерга эга эмас, балки давлат хизматчилари ва мансабдор шахслар учун ҳуқуқий жавобгарликни назарда тутди. Яъни, давлат органлари фақат ҳуқуқий меъёрларни белгилаб қўйиш билан чекланиб қолмай, балки уларни амалга ошириш учун реал шарт-шароит яратиши шарт. Бу меъёрнинг амалий аҳамияти шундаки, у: хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улушини ошириш, ишга қабул қилиш ва хизмат поғоналарида кўтарилишда тенг имкониятлар яратиш, давлат грантлари, таълим, тиббиёт ва ижтимоий соҳада тенгликни кафолатлаш ҳамда

жинс бўйича камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик учун назоратни кучайтиришни ўз ичига олади. Давлат хизматидаги лавозимларни, шу жумладан раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун танловда хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг равишда иштирок этиши таъминланиши керак. Давлат органларининг кадрлар хизматлари зиммасига давлат хизматининг тегишли лавозимларида ишлаётган хотин-қизлар ва эркеклар сонининг нисбати тўғрисидаги маълумотларни ҳам тақдим этиш мажбурияти юклатилади.

Шу тариқа, Конституциянинг 79-моддаси аёллар ва эркеклар тенглигини таъминлашда давлатнинг аниқ ҳуқуқий мажбуриятларини белгилаб, гендер сиёсатини амалий босқичга олиб чиқади.

Хулоса ва тавсиялар

Ўзбекистонда хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар ва давлат сиёсати жамият тараққиётида муҳим ўрин тутди.

Шу билан бирга, хотин-қизларнинг ижтимоий ва сиёсий жараёнлардаги иштироки ҳали етарли даражада эмас. Шунинг учун қуйидаги тавсияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- Қонунчиликда белгиланган гендер тенглик механизмларини самарали ижро этиш;
- Хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича кенг қўламли маърифий ишлар олиб бориш;
- Аёлларнинг бизнес ва тадбиркорликдаги иштироки учун қўшимча имтиёз ва имкониятлар яратиш;
- Давлат бошқаруви ва сиёсий қарор қабул қилиш жараёнларига хотин-қизларни янада кенг жалб қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, 2023.
2. “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонун. 2019 йил.
3. “Гендер тенгликни таъминлаш тўғрисида”ги Қонун. 2019 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга оид фармон ва қарорлари.
5. БМТ Барқарор ривожланиш мақсадлари. Нью-Йорк, 2015.